

**ЯРАШИЛГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МАЪМУРИЙ  
ЖАВОБГАРЛИҚДАН ОЗОД ҚИЛИШНИНГ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ  
СОҲАСИДАГИ ЎРНИ****Қаҳҳоров Дилшодбек Гафур Ўғли**

ИИБ Академияси мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7575054>

Сўнги йилларда Юртимизда қонунчилик тизимида туб ислоҳатлар даври бўлди. Жумладан, Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 16 августида қабул қилиниб, Сенат томонидан 2021 йил 30 сентябрда мақулланган “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-720-сон қонуни[1] билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий қонунчиликда ўзгартиришлар, қўшимчалар киритилиб, такомиллаштирилди.

Зеро, ҳуқуқшунос Дж.Х. Юлдашев такидлаганидек ҳозирда инсон ҳуқуқлари, хусусан фуқароликка доир субъектив ҳуқуқлар бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчилигимиз ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига татбиқ этишдаги мавжуд муаммоларни чуқур тадқиқ этиш зарурати долзарблигича сақланиб қолмоқда[2]. Шунинг учун, ушбу муаммо камчиликларни бартараф этиш мақсадида ушбу кодексда киритилган бу ўзгартиришлар ва қўшимчалар мавжуд ҳуқуқий институтларни замон талабларига мос равишда такомиллаштириш бўйича илгари суриладиган таклифлар норма ижодкорлиги фаолияти учун долзарб амалий аҳамият касб этади.

Суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар пиллапоясида халқимиз табиатига мос кечиримлилик, бағрикенглик тамойилларининг миллий қонунчилигимизда акс эттирилгани, хусусан ярашув институти жорий этилгани шахс ҳуқуқларининг ишончли ҳимоя қилиш [3] ҳамда маъмурий жавобгарликдан озод қилиш принциплари кўпроқ қўлланиши учун имконият яратди [4]. Ҳолбуки, ушбу заруратнинг бугунги кунда ҳам давлат ва халқ манфаатлари учун аҳамиятлилигини ҳисобга олганда, ярашилганлиги муносабати билан маъмурий жавобгарликдан озод қилиш институтини киритилгани маъмурий амалиётга жорий этилганлиги фуқаролар манфаатини ҳимоя қилиш, шаъни ва қадр-қимматини улуғлаш ҳамда эркин ва фаровон турмушини таъминлаш каби олийжаноб мақсадлар мужассамлаштирган. Ушбу ислоҳотлардан кўзланган мақсад — инсон омили эканлиги, бугунги кунда миллий қонунчилигимиздан мустаҳкамланиб бормоқда. Ярашув институти чуқурроқ, батафсил ўрганиш ва уни такомиллаштириш истиқболларини таҳлил қилиш долзарбдир.

Қайд этиш жоизки, ярашилганлиги муносабати билан маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тушунчасини тўлақонли таҳлил қилиш ва унинг моҳиятини очиб берувчи таърифини ишлаб чиқиш учун, дастлаб, ушбу тушунчанинг асл негизини ташкил этувчи, бевосита боғлиқ бўлган таркибий қисмларини, яъни “ярашиш”, “маъмурий ҳуқуқбузар”, “маъмурий жавобгарлик” ва “маъмурий жавобгарликдан озод қилиш” тушунчаларининг мазмун-моҳияти ёритиб бериш мувофиқ.

*“Ярашилганлиги муносабати билан маъмурий жавобгарликдан озод қилиш” тушунчаси.* Ўзбек тилининг изоҳли луғатига кўра, “яраш” деганда, уруш-жанжални тўхтатиш, “ярашмоқ” деганда эса, ўзаро уриш-жанжални тўхтатмоқ, урушиқсиз ҳолатга ўтмоқ

тушунилади[5]. Бироқ, Д.Пайзиевнинг фикрича ўзбек тилининг изоҳли луғатидаги ушбу изоҳ ҳам “ярашмоқ” тушунчасининг мазмунини тўла очиб бермаган. Чунки, “ярашмоқ” нафақат уриш-жанжални тўхтатмоқ, урушиқсиз ҳолатга ўтмоқ, балки томонларнинг бир-бирларини кечириши, бир-бирларига нисбатан инсоний муносабатларни давом эттириши каби мазмун билан изоҳланиши лозим. Зеро, жанжални тўхтатмоқ, урушиқсиз ҳолатга ўтмоқ томонларнинг ярашганлигини англатмайди[6]. Шу боис, Ўзбек тилининг изоҳли луғатидаги ушбу изоҳларга тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Ушбу ёндашувга қўшилган ҳолда ярашилганлиги тушунчаси ёритишда уруш-жанжални тўхтатиш, урушсиз ҳолатга келиш тушунчалари ярашиш тушунчасининг мазмунини ёритиб бермаган.

Юқоридаги таҳлилларимиздан келиб чиқиб ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш деганда айб содир этган шахс томонидан Ўзбекистон республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси 21<sup>2</sup>-моддасида белигиланган ҳуқуқбузарликларни содир этган тақдирда жабрланувчининг аризасига биноан ярашганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиди. Бунда ҳуқуқбузар чин кўнгилдан пушаймон бўлиши ва етказилган зарарни қоплаши шарт.

Бундан ташқари, Яраштирув институтининг маъмурий ҳуқуқ фанига кириб келиши, ундаги маъмурий жавобгарликнинг муқарарлигини таъминлашда ўзига ҳос хусусиятларга эга бўлишини таъминлади. Жумладан: маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс шу вақтгача маъмурий жазога тортилган ёки бошқа таъсир чораси қўлланилган, «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги 2021 йил 4 октябрдаги ЎРҚ-720-сон қонуни билан бундан буён маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга жабрланувчи аризасига биноан жазодан озод қилиниши мумкинлиги белгиланди.

Чунончи, шу давргача маъмурий амалиётда ҳуқуқбузарликдан жабр кўрган шахсларнинг манфаатлари, унга етказилган зарар (моддий ва маъмавий) ўрни қопланиши фақатгини маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан унинг жазосини енгиллаштирувчи омил сифатида қаралган, бу эса маъмурий ҳуқуқбузароликдан жабрланган шахснинг ҳуқуқларини тўлиқ тиклаш учун етарли асос бўлмаган, ушбу қонун билан киритилган ўзгариш ва қўшимчаларда маъмурий жавобгарликка тортилган шахс қачонки жабрланган шахс билан ярашса, унга етказган зарарни тўлиқ ёки қисм бартараф этсагина маъмурий жавобгарликдан озод этилиши, жабрланувчининг бузилган ҳуқуқларини тўлиқ тикланишига, унинг қонунга нисбатан ишончини оширишига хизмат қилади.

Шу билан бирга маъмурий жавобгарликка тортилган шахснинг Ш.Қўшбоқов ва М.Етмишбоев таъкидлаганидек, мулкый ҳуқуқларини амалга ошириши бир қатор хусусиятларга эга бўлиб[7] оилавий ва моддий аҳволига жиддий зарар етишига олиб келиши мумкин, бугунги кунда Республикамизда 2022 йил биринчи чорак яқунлари бўйича ўртача номинал иш ҳақи 3,4 млн сўмни ташкил этди. Бу эса ўрта ва оғир шароитда яшайдиган фуқароларимиз учун анчагина молиявий қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

Бизнинг қонунларимиз барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, жавобгарликнинг муқаррарлиги принци асосида ишлайди. Шу боис қонунларимизни фуқароларимизга енгиллик яратиш, жабрланганларнинг ҳуқуқларини тўлиқ тикланиши ҳамда ҳуқуқбузарнинг қилган айбидан чин кўнгилдан пушаймонлигини инобатга олиб ушбу институтни амалиётга кенг жорий этишга зарурат туғилмоқда. Хулоса ўрнида яраштирув институтининг маъмурий ҳуқуқбузарликлардан озод қилиниши қуйидаги қонунчиликдаги коллезияларга барҳам берди. Шу жумладан, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс Ўзбекистон республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига биноан агар жабрланувчига етказилган зарарни қопласа ва жабрланувчи бундан қониқса ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод этилган. Бу ҳолат маъмурий ҳуқуқбузар шахсга нисбатан яраштирув институти бўлмаганлиги сабабли қонунда номутаносибликни келтириб чиқарарди.

### References:

1. “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги 2021 йил 4 октябрдаги ЎРҚ-720-сон қонуни. Электрон манба: // URL: <https://lex.uz/>. Мурожаат вақти: 23.10.2022 йил.
2. Юлдашев Д. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИГИНИ ТИКЛАШГА ДОИР МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК НОРМАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ. – 2021. – Т. 2. – №. 3. – С. 8-13.
3. *Ражабов Б.* Ярашув институти – жамиятда раҳмдиллик ва кечиримлилик миллий анъаналарининг давомчиси // Фуқаролик жамияти. – 2011. – № 2(26). – Б. 37.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати – Я ҳарфи [Электрон манба] // URL:[http://n.ziyouz.com/books/uzbek\\_tilining\\_izohli\\_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20Ya.pdf](http://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20Ya.pdf) (мурожаат қилинган вақт: 01.06.2020).
5. Пайзиев,Д. “ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш институтини такомиллаштириш” дис. иши.27-бет. 2021 йил.
6. Qushboqov S., Yetmishboyev M. JAZONI IJRO ETISH MUASSASALARI ISHTIROKIDA TUZILADIGAN FUQAROLIK-HUQUQIY SHARTNOMALARNING MOHIYATI VA AHAMIYATI //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 9. – С. 76-80